Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН + 17 август 1973 йил, жума ⊙ № 193 (15.667). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗЛАРИ, СОВХОЗЛАРИ ВА ТАЙЁРЛАШ ПУНКТЛАРИНИНГ 1973 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШГА ҲОЗИРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шуни таъкидлайдиларки, республика қишлоқ хўжалик меҳнатчилари беш йилликнинг учинчи йилида деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 4 миллион 750 минг тонна пахта етиштириш ва давлатга сотиш, камида 2,5 миллион тонна пахтани машинада териш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун зўр ғайрат билан кураш олиб бормоқдалар.

Кўпгина колхоз ва совхозларда ғўзани парвариш қилишнинг агротехника тадбирлари комплекслари ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказилганлиги натижасида ғўза яхши ривожланиб, мўл ҳосил тез тўпланмоқда.

Кўпгина хўжаликлар ғўза парвариши соҳасида ғайрат камарини боғлаб ишлаш билан бирга янги ҳосил пахтасини теришга ва давлатга топширишга ҳар томонлама тайёргарликни авж олдириб юбордилар.

Шу билан бирга бир қанча хўжаликлар ва районларда, айниқса Когон, Уйчи, Пайариқ, Фарғона, Ғузор, Хазорасп, Тахтақўпир, Пискент, Гагарин ва бошқа районларда ғўза парвариши соҳасида катта нуқсонлар ва камчиликлар бор — ғўзани сугориш, культивация қилиш ва бошқа агротехника тадбирлари, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш кечиктириб юборилмоқда, натижада ғўзалар ривожланишдан орқада қолмоқда.

Кўпгина хўжаликларда янги ҳосилни териб олишга тайёргарлик ниши ҳали бошланган эмас, пахтаси машинада териладиган участкалар ажратиб бўлинмаган, асфальтланган майдончалар, бостирмалар, саройлари, тош-торози хўжалигини, тайёрлаш, «УСС-1» қатламли сушилкаларни қуриш ва монтаж қилиш пайсалга солинмоқда.

Айниқса Хоразм, Сирдарё областларида ва Қорақалпоғистон АССРда пахта териш техникасини ремонт қилиш сусткашлик билан олиб борилмоқда. Хўжаликларда ҳам, «Узсельхозтехника» устаханаларида ҳам пахта териш техникасини сифатсиз ремонт қилиш фактлари учраб турибди. Пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларини тайёрлаш етарли равишда авж олдирилгани йўқ.

Тайёрлов пунктлари ва пахта заводларини янги пахта ҳосилини қабул қилиш ва қайта ишлашга тайёрлаш орқада қолмоқда. «Союзхлопкомаш» пахта заводларини ва қуритиш-тозалаш цехларини ремонт қилиш учун керакли эҳтиёт қисмларни, юк ортиш-туширши ишларини механизациялаш воситаларини ва пахта заводларининг технология асбоб-ускуналарини етказиб беришни кечиктириб юбормоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳисоблайдиларки, бу йил пахта барвақт ривожланаётганлиги муносабати билан колхоз ва совхозларни, тайёрлов пунктлари ва пахта заводларини янги пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш, қабул қилиш ва қайта ишлашга тайёрлаш жуда уюшқоқлик билан ўтказилиши ва ғоят қисқа муддатларда тугалланиши лозим.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги, Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги, «Главзерсвдасирсовхозстрой», «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси ва уларнинг жойлардаги органлари, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари зиммасига, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига ғўзани ўсишдан тўхтагунга қадар намунали парвариш қилиш, бунда ривожланишдан орқада қолган ғўзаларга алоҳида эътибор бериш, шу тариқа ҳамма жойда ҳар бир колхоз ва совхоз, бўлим ва бригада ўз мажбуриятларини бажаришини таъминлайдиган мўл ҳосил тўплашни ташкил этиш юзасидан колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари ўртасида ташкилотчилик ишини кучайтириш вазифасини юклади.

Шу билан бирга пахтани териш ва давлатга топшириш учун тайёргарлик ишларини тезроқ тугаллаш таъминлансин.

Шу мақсадда:

— ҳар бир хўжаликда ва «Узсельхозтехника»нинг ҳар бир устаханасида пахта териш техникасини ремонт қилиш ва тайёрлашнинг аҳволини пухта назардан ўтказиш, ишларнинг суръатини кескин кучайтириш ва сифатини ошириш учун зарур чораларни кўриб, пахта терши машиналарини тайёрлаш ва тракторларга тиркаш ишини 25 августгача батамом тугаллаш, транспорт тракторларини, прицепларни ва пахта ортадиган механизмларни 30 августгача, тўкилган пахтани териб оладиган ва қўрак чувиш машиналарини 10 сентябргача, кўрак узиш машиналарини 20 сентябргача батамом тахт қилиш учун зарур чораларни кўриш;

— пахта терши машиналарининг механик-ҳайдовчиларини қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида, «Узсельхозтехника» район бирлашмаларида ва совхозларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни белгиланган муддатларда тугаллаш; пахта терши машиналарини икки сменада ишлатишни қўзда тутиб уларни механик-ҳайдовчиларга ўз вақтида бириктириб қўйиш зарур.

Колхоз ва совхозларнинг пахта терши техникасига пахта ҳосили терими даврида «Узсельхозтехника» район бирлашмаларининг ва хўжаликларнинг созловчи усталари кучи билан ихтисослаштирилган техникавий хизмат кўрсатиш кенг қўлланилсин;

— пахтаси машинада териладиган пайкалларни ажратиш 20 августдан кечиктирилмай тугаллансин, пахта терши машиналарининг механик-ҳайдовчиларига шу майдонлар бириктириб қўйилсин ва шу майдонлар 25 августгача бегона ўтлардан батамом тозалансин. Ҳосилнинг эрта етишишини таъминлаш ва пахта терши машиналарининг юксак унум билан ишлаши учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида қўшимча чоралар кўрилсин;

— ғўза баргини тўкиш ишларида банд бўлган самолётларга керакли аэродромлар 25 августгача тахт қилиб қўйилсин. Самолётларга ва аэродромларга хизмат қилувчи сигнал берадиган ва ишлаб чиқариш ходимлари кадрлари шай ҳолга келтирилсин;

— пахта терши машиналарига техникавий хизмат қилиш ва уларга механизм ёрдамида ёнилги қуйишнинг ҳамма мавжуд воситалари тайёрлаб қўйилсин ва улар ходимлар билан таъминлансин;

— ҳамма колхоз ва совхозларда асфальтланган майдончаларни, бостирма-саройлар, автомобиль гўрозилар ва бошқа торозилар, автомобиль транспорти, йўллар ва кўприкларни тайёрлаш 25 августгача тугаллансин;

— колхоз ва совхозлардаги нефть хўжалигини тайёрлаш якин кунларда тамомлансин ва пахта теримидаги техниканинг узлуксиз ишлаши учун улар ёнилги-мойлаш материаллари билан барвақт таъминлаб қўйилсин. Хўжаликларда нефть маҳсулотларининг асралиши ва тежаб-тергаб ишлатилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилсин;

Ўзбекистон ССР «Главнефтеснабсбит»и ёнилги-мойлаш материалларининг ҳамма фондларини ўз вақтида ва узлуксиз таъминлаб турсин;

— 20 августдан 30 августгача бўлган даврда районлар ва хўжаликлар ўртасида пахта терими тайёргарлик ўзаро текшириштан ўтказилсин, бунда пахта терши техникасининг тайёрланиш сифатига, механизатор кадрларни танлаб олиш ва тайёрлашга алоҳида эътибор берилсин. Текшириш давомида аниқланган ҳамма камчиликларнинг жуда тез тугатилиши таъминлансин;

— пахта теримчиларига, пахта терши машиналарининг механик-ҳайдовчиларига, ғўза баргини тўкиш ишида банд бўлган самолётларнинг экипажларига нормал маиший ва санитария-гигиена шароитларини яратиб бериш учун зарур чоралар кўрилсин, бунинг учун ётоқхоналар ва дала шийпонлари ремонт қилиниб, ободонлаштирилсин, овқат пишириш ва яхши сифатли ичимлик сув билан таъминлаш учун ҳамма шароитлар яратиб қўйилсин, колхоз ва совхозлардаги мактабгача тарбия барча болалар муассасаларининг нормал ишлаши йўлга қўйилсин;

— 1 октябргача бўлган муддатда мавжуд пахта сушилкалари ремонтдан чиқарилсин, табақали «УСС-1» сушилкалари қурилиб, монтаж қилинсин, ҳамма сушилкалар зарур миқдордаги ёқилги билан барвақт таъминлансин.

«Узсельхозтехника» бирлашмаси ремонт корхоналарини, колхоз ва совхозларни жамики пахта терши техникасини ўз вақтида тайёрлаш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва ремонт материаллари билан таъминлаш учун қўшимча чораларни кўриши, дефолиантларни ўз вақтида ташиб олишни ва «УСС-1» сушилкаларини қуриб битказиш ва монтаж қилиш учун керакли асбоб-ускуналарни етказиб беришни таъминлаши лозим.

«Главхлопкомаш» пахта терши техникасини ремонт қилиш учун керакли запас қисмларни уччала квартал фондлари ҳисобидан етказиб беришни жадаллаштириш мақсадида зарур чораларни кўриши, шунингдек «Узсельхозтехника»га етишмай турган эҳтиёт қисмларни, қўшимча равишда етказиб бериш масаласини кўриб чиқиши лозим.

Республика колхоз ва совхозлари камида 2,5 миллион тонна пахтани машинада териш юзасидан олган мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини ва 650 минг гектар ерда пахта терши ишларини қўл меҳнати ишлатмай комплекс механизациялаш вазифасининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ва Совхозлар министрлиги, Қорақалпоғистон АССР ва областларнинг 2,2 миллион гектар ердаги ғўза баргини (қайта дориланган ерлар ҳам шу ҳисобга киради) терим олдидан тўкириш таклифлари қабул қилинсин ҳамда ғўза баргини тўкитиладиган самолётларни юбориш плани тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ва Совхозлар министрликлари ва уларнинг жойлардаги органлари, илмий муассасалар ва областлардаги тажриба станциялари, колхоз ва совхозларнинг мутахассислари кучи билан ғўза ривожининг аҳволига қараб, ҳар бир хўжаликда ғўза баргини тўкиришнинг табақалаштирилган муддатлари ва графиклари белгилансин. Шароит имкон берган жойларда

(Давоми иккинчи бетда).

Когон районидаги Калинин номли колхоз заршунослари август ойида ғўза парваришини янада кучайтириб, 1400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга пухта замин яратмоқдалар. Колхозда Тўра Жўраев, Аваз Ҳотамов бошлиқ бригадалар коллективлари 40 центнерчилик ҳаракатига қўшилганлар. Ҳозирги вақтда бу бригадаларнинг майдонларидаги сершох ғўзалар шода-шода нўсак тугиб, очила бошлади. Суратда: (чапда) колхознинг пешқадам механизаторлари, комсомол аъзоси Исмат Саидов ва Акрам Фат хуллаевлар ғўзаларнинг ривожланишини кўриб қувонишмоқда.

Б. Мўминов фотоси, (ЎзТАГ).

⊙ С

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИДАН

ЧЕКАНКА ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Ўзбекистондаги 1,7 миллион гектар ерда ғўза чеканка қилинди. Ҳосилнинг пишиб етилишини, кўсакларнинг шаклланишини тезлаштирадиган бу муҳим агротехника усулини бу йил республика хўжаликлари ана шунча майдонда ўтказишни планлаштирган эдилар. Пахтазорда минглаб машиналар ишлатилганлиги туфайли ғўзанинг ўсадиган қисми учини чилпишдек сермеҳнат иш жадал ўтказилди. 385 минг гектар, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 минг гектар кўп ердаги ғўза учи механизмлар ёрдамида чилпиб чиқилди. Машиналардан кенг фойдаланилганлиги Сурхондарё областининг колхоз ва совхозларига Ўзбекистоннинг бошқа хўжаликларидан олдин ғўзани чеканка қилишни тугаллаш, шу иш планини ундан бир ҳисса ошириб бажариш, 232 минг гектар ердаги ғўзанинг учини чилпиш имконини берди.

Ғўзани чеканка қилиш давом этмоқда. (ЎзТАГ).

МАККАЖЎХОРИ — КОМСОМОЛ ОТАЛИҒИДА

ПЕШҚАДАМЛАР

Қишлоқ хўжалик экинлари ичида «дала маликаси»ни полвон экин дейишади. Чиндан ҳам шундай. Маккажўхори — дастурхонимизни безаб турган нон, сер-қаймоқ сут, ёг-гўшт деганг! Республикамизда нозиб юрган тўкин ёз нафаси ана шу полвон экин ҳосилини қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олишга киришган комсомол ва ёшлар коллективларига катта куч ва ғайрат бағишламоқда. Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган навқирон йигит ва қизлар республикамиз бўйича 320 минг тонналик улкан маккажўхори дони хирмонини тиклашда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилиш, яптн.

Бу соҳада Андижон областининг маккажўхорикор комсомолёшлар коллективларининг қўлга киритаётган меҳнат зафарлари айниқса нўвончли бўлмоқда. Областдаги 89 маккажўхорикор бригададан 19 коллектив зафар маррасини қучди. Андижон районидаги 24 бригадада ўрта ҳисобда гектар бошига 81 центнердан маккажўхори дони етиштирилди.

Областнинг Қўрғонтепа районидаги Энгельс номли колхознинг Турғунбой Каримов бошлиқ бригадаси аъзолари 29 гектар майдондан 110 центнердан дон хирмони кўтаришди. Комил Аҳмедов бошлиқ бригада эса Свердлов номли колхозидагина эмас, Марҳамат районида ҳам анча юқори кўрсаткичга эришди. 42 гектар майдондан 106 центнердан хирмон уюлди. Шунингдек Марҳамат районидаги «Октябрь 50 йиллиги» қишлоқ хўжалик артелининг Турғун Жумабоев бошчилик қилаётган бригада маккажўхориорлари 42 гектар ердан 101 центнердан ҳосил етиштиришга эришдилар.

Наманган области қалби олов йигит ва қизларнинг ҳам меҳнат зафарлари чакки эмас. Ёшлар ўртасида бошланган социалистик мусобақада Норин районидаги Калинин номли колхознинг Мамадали Аҳмедов бошлиқ коллектив байроқдор бўлди. Бригада 14 гектарга экилган полвон экиндан 104 центнердан дон олди.

Шу долзарб кунларда республикамиз бўйича 64 комсомол-ёшлар бригадаси маррага етди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Корея Халқ Демократик Республикасининг Президенти Ким Ир Сен ва Корея Халқ Демократик Республикаси Маъмурий Кенгашининг бош министри Ким Ир Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич Брежневга, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Николай Викторович Подгорнийга ва СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Алексей Николаевич Косигинга табрик телеграммаси йўлладилар. Телеграммада, жумладан, бундай дейилади:

«15 август байрами — корейс халқи япон империализмининг мустамлакачилик ҳукмронлиги зулмидан озод бўлган кунинг 28 йиллиги муносабати билан Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети, Корея Халқ Демократик Республикаси Марказий Халқ Комитети ва Маъмурий Кенгаши номидан ва корейс халқи номидан, шунингдек шахсан ўз номимиздан сизларга ва сизлар орқали Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва ҳукуматига, совет халқига ва Кореяни озод қилиш учун олиб борилган жангларда қатнашиб, жасорат кўрсатган Совет Армияси жангчиларига қизғин табрикларимизни йўллаймиз».

(ТАСС).

А. Н. КОСИГИН ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА КОМИТЕТИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 16 августда Кремлда университетларнинг фахрий профессори, Халқаро олимпиада Комитети президенти лорд М. Килланинни қабул қилди.

Суҳбат вақтида олимпиада спорт ҳаракати ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ҳамда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ҳамиша халқаро спорт алоқаларини кенгайтиришни ёқлаб чиқаётган совет спорт ташкилотларининг бу ҳаракатдаги иштирокига доир масалалар қараб чиқилди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг раиси С. П. Павлов ва СССР Олимпиада Комитетининг раиси К. А. Андрианов қатнашди. (ТАСС).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВнинг ОЛМАОТАДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Д. А. Кунаев 16 августда Медео деган жойни бориб кўрдилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев, СССР Тайёрлаш министри Г. С. Золотухин, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. Б. Ниёзбеков, республика Министрлар Советининг Раиси Б. А. Ашимов улар билан бирга бўлишди.

Д. А. Кунаев билан Б. А. Ашимов Ўртоқлар Ўртоқ Л. И. Брежневга Олмаота меҳнаткашлари, бинокорлари, қурилиш-монтаж ташкилотлари ва ҳарбий қўшилмаларнинг қилган ишлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Уларнинг каҳрамонона меҳнати сел тошқини вақтида шаҳар бошига тушган хавф-хатарни тугатди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев селга қарши тўғонни янада мустаҳкамлашда ишлаётган мутахассислар ва қурувчилар билан суҳбатлашди. У республикада ишлаб чиқилган селга қарши ҳимоя ишлари лойиҳасини маъқуллади.

Л. И. Брежнев, Д. А. Кунаев, С. Б. Ниёзбеков, Б. А. Ашимов Ўртоқлар қурилиши тугаган Медео муз стадионини кўздан кечиришаётган пайтда уларни шу яхмалакда машқ қилаётган Совет Иттифоқи ва жаҳон чемпионлари Ирина Роднина билан Александр Зайцев ҳамда бошқа спортчилар табриклашди.

(ТАСС).

ПАХТАЧИЛИКНИНГ УЛКАН ЛАБОРАТОРИЯСИ

Мирзачўл — Ўзбекистоннинг пахтачиликдаги янги ҳазинаси, жаҳон пахтачилигининг лабораторияси! Бугина эмас, Мирзачўл йирик чорвачилик, боғдорчилик, бедачилик, маккажўхорикорлик, полизчилик маскани ҳамдир. Мирзачўлга доҳиймиз В. И. Ленининг назари тушган.

Улуғ Октябрь инқилобидан кейин В. И. Ленининг машҳур Декрети асосида Мирзачўл ерларини ўзлаштиришга киришилди, айни кезда йирик сув иншоотлари қурилди. 1939 йилда бошланган халқ қурилиши йилларида ҳам, Улуғ Ватан уруши даврида ҳам бу ишлар қизғин давом эттирилди. Фарҳод гидроузели ва Қайроққум сув омборининг қурилиши Мирзачўл ерларини сув билан таъминлашни яхшилади, Киров магистрал каналининг суви билан 1956 йилга келиб 206 минг гектар ер суғорилди.

Утган йиллар мобайнида 120 километр масофага чўзилган Сирдарё — Жиззах темир йўли қурилиб, фойдаланишга топширилди, шунингдек, темир йўлнинг Жеттисой — Чордара тармоғи ишга туширилди. Автомобиль йўллари қуриш, электр тармоқларини узайтириш соҳасида беқиёс катта ишлар олиб борилди. Ҳозир Мирзачўл ерларининг бағридан ўтган 1.650 километр масофадаги йўлларда автомобиллар узлуксиз қатнаб, халқ хўжалик юкларини ташимоқда, 2.567 километр масофага тортилган электр симларидан оқиб келаётган Ильич нури чўлқуварларнинг хонадонлари, жамоат жойларини ёритмоқда, ишлаб чиқариш жараёнларини электрлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Мирзачўл ерларида замонавий типдаги шаҳарчалар бунёд этилмоқда, меҳнаткашларнинг бадавлат ҳаёт кечиришлари, ҳалол меҳнат билан моддий бойликлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилмоқда.

Чўл тарихида биринчи марта 250 километр масофага водопровод, 284 километр масофага газ келтирилди. Илгари бундай улкан ишлар қаерда, қачон амалга оширилганини ким эслай олади? Фақат советлар замонасида, Коммунистик партия раҳбарлигида, мамлакатимиздаги барча қонқардош халқлар, аввало улуғ оғамиз рус халқининг кунделик ёрдами билан бунга эришдик. Чўлқуварларимизнинг қаҳрамонона меҳнати, шижоат ва матонатига олам аҳли қойил қолмоқда.

Партия ғамхўрлиги, давлат ёрдами, халқ меҳнати ўз самарасини кўрсатмоқда. 1973 йилнинг биринчи январига қадар Мирзачўлнинг қўриқ зонасидан 221 минг 400 гектар янги ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Ҳозирги вақтда чўл зонасида 37 хўжалик бўлиб, шундан 28 таси пахтачилик совхозларидир. 2 йирик совхоз боғдорчилик билан шуғулланмоқда. «Голодностепстрой» ўз системасига қарашли 4 совхозни республика Совхозлар министрлиги ихтиёрига берди. Яна тўртта хўжалик министрлик ихтиёрига ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Битта совхоз қурилишига давлат йўли билан 30-40 миллион сўм маблағ сарфланади. Чўлқуварлар пахта ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш йўли билан сарфланган харажатнинг ўрнини тезроқ қоплаш учун курашмоқдалар. «Голодностепстрой» хўжаликлари 1961—1972 йилларда она-Ватанга бир ярим миллион тоннага яқин пахта етказиб берди. Фақат 1972 йилдагина кутилганидан анча «оқ олтин» тайёрлади. Бундай муваффақиятга бир фикр, бир масалдаги, КПСС XXIV съезди, партия Марказий Комитети пленумларининг қарорларига содиқ кишиларгина эришиши мумкин.

Биз кезларда Мирзачўл ерларини унумсиз деб камситган, сарфланган маблағ ва меҳнат зое кетади, деб «каромат» қилган кишилар ҳам бўлган эди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик оборотига киритилган жами 236 минг 700 гектар ерни, чўл бағрида етиштирилган бир ярим миллион тоннага яқин «оқ олтин»ни кўрган киши партиямиз режаларини ҳаётий кучига яна бир карра тўла ишонч ҳосил қилади.

Утган йилларда Мирзачўл совхозлари ва аҳоли яшайдиган пунктларида 2 миллион квадрат-метрдан зиёд бинолар қурилди, 21 минг ўринли мактаб бинолари, салкам 9 минг ўринли болалар муассасалари бинолари қад кўтарди. 640 ўринли касалхоналар, 5400 ўринли клублар, 10 ярим минг томошабин сиғадиган кинотеатрлар ишлаб турибди. 996 та намунали дала шийпонлари, кўплаб маданий-оқартув муассасалари, савдо дўконлари, чорвачилик бинолари қурилди.

Мирзачўл қардош республикалар халқлари дўстлигининг чинакам рамзига айланди. «Средазирсовхозстрой»га қарашли ташкилотлар Мирзачўлнинг Тожикистонга қарашли зонасида 39 минг гектар янги ер ўзлаштириб, 4 та йирик пахтачилик совхози ташкил этиш учун иккита зўр қуваатга эга бўлган насос станцияси қурди, яна бир қатор улкан ишларни амалга оширмоқда.

Мирзачўл фан-техника ютуқлари, прогрессив усулларни пахтачиликка татбиқ этиш, янгиликлар, кашфиётлар яратишнинг катта марказига айланди. Каналларни бетонлаш, лотокларнинг сув ўтказиш қобилиятини ошириш, экинни трубалар, шланглар воситасида суғориш, сувни тупроқнинг қуйи қатламида ўғитлар қоришмаси билан ғўзаларнинг илдизига юбориш, қудуқсимон зовурлар чиқариб ишга туширишдек, сунъий ёмғир ёғдириш ва бошқа гоят мураккаб ишлар шу ерларда синалиб, ҳаётга йўлланма олмоқда. Чигитни кенг қаторлаб экиш, туксизлантирилган чигит экиш, ўсларга ўғитни белгиланган миқдорда ташлаш, гербицидлардан оқилона фойдаланиш усулларининг макони ҳам Мирзачўл ерларидир.

Мирзачўлнинг қўриқ совхозларида ҳозирги вақтда 60 минг киши пешона тери тўкиб меҳнат қилмоқда, чигит экишдан тортиб ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ишларнинг асосий қисми машиналар воситасида бажарилмоқда. Мирзачўл машина теримини ташкил қилишда республикамизнинг тажриба мактабига айланди. Титов номли, Ленин номли, «Фарғона», «Самарқанд», «Правда», Усмон Юсупов номли, Акмал Икромов номли ва бошқа қатор совхозларда етиштирилган пахтанинг деярли ҳаммаси «зангори кема»ларда териб олинмоқда, қўл кучи ишлатишдан воз кечилмоқда. Эндиликда ҳамма хўжаликларда ана шу йўлдан бориш кун тартибидаги бош масалага айланди. Пахтачилик хўжаликларида чорвачилик, бедачилик, маккажўхорикорлик, боғдорчилик, полизчилик шаҳдам тараққий эттирилмоқда, ихтисослаштирилган совхозлар сони кўпайтирилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети чўлқуварлар ҳақида кун сайин ғамхўрлик қилиш билан Мирзачўл ерларини тезроқ тўла ўзлаштириб бўлишга қаратилган улкан тадбирларни амалга оширмоқдалар. Сирдарё область партия комитети ва область ижроия комитети бу тадбирларни амалга оширишда чўлқуварлар армиясига моҳирлик билан бошчилик қилмоқдалар. 1975 йилга бориб Мирзачўл ерларини асосан ўзлаштириб бўлиш — муқаддас бурчга айланди.

Мирзачўл ерларини ўзлаштиришда орттирилган бой тажрибаларга таяниб, «Голодностепстрой» кадрларининг фаол иштироки билан Жиззах чўлларини ўзлаштиришга киришилади. Бу ерда ҳам Мирзачўлдаги каби комплекс қурилиш ишлари олиб борилади, меҳнатнинг оғири машиналар гарданига ортилади. Жиззах чўлининг суғориладиган ерларида 26 та янги пахтачилик совхози, иккита боғдорчилик-узумчилик, иккита сабзавотчилик хўжалиги, чорвачиликка ихтисослаштирилган қатор хўжаликлар ташкил этилади. Жиззах чўли ўзлаштирилиб ишга туширилгач ҳар йили 200 минг тоннадан зиёд пахта, 90 минг тоннагаяқин сабзавот ва картошка, 50 минг тонна мева ва узум ҳамда кўплаб бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади.

Мирзачўлнинг бугуни ана шундай гўзал, истиқболи эса бундан порлоқдир.

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗЛАРИ, СОВХОЗЛАРИ ВА ТАЙЁРЛАШ ПУНКТЛАРИНИНГ 1973 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШГА ҲОЗИРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

ғўза баргини тўктиришнинг тракторга ўрнатилган аппаратларидан кенг миқёсда фойдаланиш назарда тутилсин.

Қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари пахта териш машиналари айланадиган карталарнинг четлари ва айланиш полосаларини илгарироқ дорилашни таъминлаш ишлари ва ғўза баргини тўктиришга доир ҳамма ишларнинг сифати устидан жуда қаттиқ назорат ўрнатишлари лозим.

Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси зарур миқдордаги самолётларни юборсин ва юборилган ҳамма самолётлар дефолиантлар эритмасига қўшиладиган материаллар билан таъминлансин. Самолётлар экипажларининг командирларидан далаларга дефолиантларни сочишнинг белгиланган қоидаларига қаттиқ риоя этиш, ишларнинг юқори сифатли бўлишини ва самолётлардан юксак унум билан фойдаланилишини таъминлаш талаб қилинсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари зиммасига ҳар бир пахта заводида ва тайёрлаш пунктида ремонт ишларининг аҳволини кўриб чиқиш ҳамда тайёрлов пунктларни ремонтини 25 августгача, пахта заводлари ремонтини 1 сентябргача ва қуритиш-тозалаш цехлари ремонтини 15 сентябргача тугаллаш учун зарур чораларни кўриш вазифасини юклади.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги ва Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги 1973 йил пахта ҳосилини тайёрлаш пунктларидан пахта заводларига ўз вақтида ташиб олишни таъминлаш чораларини кўриб, бунинг учун махсус пахта ташиш автомобилларининг ҳаммасидан тўла-тўкис фойдаланишлари керак.

«Союзхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси пахта заводларига ва қабул қилиш пунктларига технология асбоб-ускуналарини ремонт қилиш учун керакли запас қисмларни, механизациялаш воситаларини ва чигитни тўксизлантирувчи «4-СОМ» машиналарини тезроқ етказиб бериш қатъий чораларини кўриши зарур. Ўзбекистон ССР Главснаби «Союзхлопкомаш» билан биргаликда унинг корхоналарини моддий-техника билан таъминлаш масалаларини кўриб чиқсин ва етишмай турган материалларни уларга тезроқ етказиб бериш учун қўшимча чораларни кўрсин.

Область, шаҳар партия комитетларига ҳамда саноат корхоналари ва қурилишларинг партия ташкилотларига пахта териш техникасини ва қуритиш-тозалаш цехларини ремонт қилишда, пахта ташиш ва тайёрлаш даврида уларга техникавий хизмат кўрсатишда колхозларга, совхозларга ва тайёрлаш пунктларига оталиқ ёрдами беришни ташкил этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар ва Пахта тозалаш саноати министрликлари:

— уруғлик учун экилган пахтани дала шароитида ўз вақтида ва юқори сифатли синаб кўришни ташкил этишлари, унинг натижаларига қараб уруғлик пахтани териш ва топшириш вазифасини белгилашлари;

— уруғчилик колхозлари ва совхозлари, Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, область ва район қишлоқ хўжалиги бошқармалари, совхозлар трестлари ва тайёрлаш шохобчаси агрономия ходимларининг куч-ғайратларини уруғлик пахта сифатини ошириш учун курашга сафарбар қилишлари;

— синаш учун экилган далалардаги уруғлик пахтани қўлда бирликки галда теріб олишни йўлга қўйишлари ва ғўзадаги 3-4 кўсак пишиб етилгандагина теримга киришишлари лозим. Элита ва биринчи репродукция учун экилган уруғлик пахтани теріб олиш олдидан далаларда вилт босган ғўзалар юлиб ташлансин, иккинчи ва учинчи репродукция пахтазорларида вилт ва гоммоз тушмаган соғлом ғўзаларнинг ҳосилини синчиклаб алоҳида теріб олиш таъминлансин. Намлиги ортиқ бўлган уруғлик пахтани териш ва қабул қилиш тақиқлансин.

Уруғлик пахтани қўлда терганда саноатбоп пахтани териш учун қабул қилинган нормадан 20-25 процент кам иш нормасини белгилаш совхозларнинг директорлари зиммасига юклансин ва колхозларнинг правлениеларига тавсия этилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Совхозлар министрлиги ва Пахта тозалаш саноати министрлиги, ССР давлат стандартларининг республика бошқармаси ва Тошкентдаги «Эталон» заводи пахта заводларида, тайёрлаш пунктларида, колхозлар ва совхозларда ўлчов асбобларини ремонтдан чиқариш ва тамғалаб қўйиш ишларини 25 августга қадар муддатда тугаллашлари лозим.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги ва «Узсельхозтехника» бирлашмаси ажратилган фондлар бўйича фартукларни ва қоп-қанорларни республика колхозлари ва совхозларига ўз вақтида етказиб беришни таъминлашлари лозим.

«Узбекбирлашув» пахта териш ва тайёрлаш мавсумида қишлоққа зарур бўлган безмен торозиларни, пахтани қуритиш учун керакли кўмирни, шунингдек кийим-кечаклар, пойафзалларни, озиқ-овқат маҳсулотларини ва бошқа молларни зарур миқдорда ўз вақтида етказиб бериши керак.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги безмен торозиларни ишлаб чиқаришдаги қолоқликни тугатиш ва 1973 йил фондлари бўйича шундай торозиларни етказиб беришни тезлатиб юбориш чораларини кўриши керак.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги республиканинг сизот сувлари ер бетига яқин бўлган районларида пахтанинг етилишини тезлаштирадиган зарур мелиорация тадбирларини Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Совхозлар министрлиги билан бирга ишлаб чиқиб, 10 сентябрга қадар амалга ошириши лозим.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Совхозлар министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га пахта теришда ишлаётган механизаторларни, ишчилар ва колхозчиларни моддий рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқиб, колхозлар ва совхозларга тавсия қилиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар министрлиги, Пахта тозалаш саноати министрлиги ва Тайёрлаш министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари қўлда ва машинада терилиб давлатга топширилаётган пахтанинг сифатини оширишни таъминлайдиган қатъий чораларни кўришлари лозим. Пахтани теріб давлатга топшириш, етилмаган пахтани теришга йўл қўймаслик ва пахтага хас-чўплар аралашиб кетишининг, мой ва бошқа нарсалар тегиб ифлосланишнинг олдини олиш қоидаларини барча колхозларда ва совхозларда кенг тушинтириш ишларини олиб бориб, бу тўғрида колхозчиларга ҳамда совхоз ишчиларига йўл-йўриқ кўрсатиб бериш керак.

Машинада терилган пахтанинг ифлосланиши камайтирилганлиги учун тўланадиган устама пулнинг 50 процентидан пахтани машинада теришда бевосита қатнашаётган ҳамда давлатга юқори сифатли пахта топширишни таъминлаётган ходимларни мукофотлаш учун фойдаланиш борасида белгилаб қўйилган тартибни механизаторларга, барча колхозчиларга ва совхозларнинг ходимларига кенг тушинтириш ҳамда бу мукофот пуллари тўғри тўланаётганлиги устидан назорат ўрнатиш зарур.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар министрлиги, Пахта тозалаш саноати министрлиги, Автомобиль йўлларини қуриш ва ишлатиш министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари автомобиль йўлларини ва кўприкларни, шунингдек, колхозларга, совхозларга ва тайёрлаш пунктларига олиб борадиган йўлларни 20 августга қадар ремонтдан чиқариб қўйишлари керак.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари ёнғин хавфидан сақланиш ҳамда Давлат ёнғин назорати органлари тавсия қилган тадбирларни бажариш қай аҳволда эканлигини 25 августга қадар барча колхозларда, совхозларда ва тайёрлов пунктларида текшириб чиқишлари лозим.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон ССР Аҳолига майший хизмат кўрсатиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигига колхозчиларга, совхоз ишчиларига, пахта териш ва тайёрлаш ишида банд бўлган кишиларнинг ҳаммасига намунали хизмат кўрсатишни таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Совхозлар министрлиги ҳамда уларнинг жойлардаги органлари пахта териш бошланган кунданоқ колхозлар ва совхозлардаги ишга яроқли кишиларнинг ҳаммасини пахта теримига чиқариш тадбирларини касаба союз ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқиб, амалга оширишлари, пахта териш машинасида ишлаётган ҳар бир механик-ҳайдовчининг, ҳар бир теримчининг кундалик нормани тўла ва ошириб бажариши учун социалистик мусобақани авж олдириб ҳаракатлантирилиши керак.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети механик-ҳайдовчиларни, пахта териш техникасини тайёрлаб тахт қилиб қўйишда ҳамда янги ҳосил пахтасини теріб олиш ва тайёрлаш ишларини ҳозирлаш ва ўтказиш бўйича социалистик мусобақани кенг авж олдиришда комсомол ташкилотларнинг актив қатнашувини таъминлаши лозим.

Қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзининг республика, область ва район комитетлари совхоз ишчиларининг, колхоз ва совхоз механизаторларининг меҳнатига ҳақ тўлаш борасида белгилаб қўйилган тартибнинг тўғри қўлланилиши ҳамда пахта теримида иш ҳақи тўлаш бўйича ҳисоб-китобнинг ўз вақтида қилиниши устидан контроллиқни, шунингдек дефолиантлар билан ишлаш чогида хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидаларига риоя қилиниши устидан контроллиқни ҳамда пахта териш техникасидан, механизмлардан ва электр ускуналардан фойдаланиш хавфсизлиги устидан контроллиқ ўрнатилишини таъминлашлари зарур.

Пахтани тез суръатлар билан теріб ва юқори сифатли қилиб давлатга топширганлик учун Қорақалпоғистон АССРни, областларни, районларни, колхозларни, совхозларни, идғор механизаторларни ва теримчиларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг:

а) Қорақалпоғистон АССР ва областлар учун — иккита Қизил байроғи;

б) районлар учун — тўртта Қизил байроғи, шулардан бири пахтанинг ингичка толали навларини давлатга топшираётган районларни рағбатлантириш учун ва битта Қизил байроқ қўриқ районларни рағбатлантирмоқ учун;

в) совхозлар учун — иккита Қизил байроқ, шулардан бири қўриқ совхозларни рағбатлантирмоқ учун;

г) колхозлар учун — битта Қизил байроқ таъсис этилади.

Кўчма Қизил байроқлар сентябрнинг биринчи ўн кунлигидаги иш натижаларини якунлашдан бошлаб ҳар 10 кунда бир мартадан бериб турилади. Қизил байроқларни бериш чогида планнинг бажарилиши, тайёрлаш суръатлари, тайёрланган пахтанинг сифати, машинада териш планининг ҳамда уруғлик пахтани териш ва топшириш планининг бажарилиши ҳисобга олинади.

Ингичка толали пахта етиштириш планига эга бўлган Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида, районлар ва совхозларда Қизил байроқларни бериш чогида ингичка толали пахта тайёрлаш планининг бажарилиши ҳам ҳисобга олиниши керак.

Қизил байроқлар берилиши билан бир вақтда илғор хўжаликларга сотиш учун Қорақалпоғистон АССРга ва областларга иккитадан юк автомашинаси, пахта териш машинасида ишлаб меҳнат унумдорлигини оширишда ва пахтани сифатли қилиб теришда энг яхши кўрсаткичларга эришган механик-ҳайдовчиларга сотиш учун тўрттадан енгил автомашина ҳамда пул билан мукофотламоқ учун 2 минг сўмдан пул ажратилади; районларга—илғор хўжаликларга сотиш учун биттадан юк автомашинаси, энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун иккитадан енгил автомашина ҳамда илғорларни мукофотламоқ учун 500 сўмдан пул ажратилади: совхозларга — энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ҳамда илғорларни мукофотламоқ учун 300 сўмдан пул ва колхозларга энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ва илғорларни мукофотлаш учун 200 сўмдан пул ажратилади. Мазкур енгил автомашиналар пахта териш машиналарининг энг яхши механик-ҳайдовчиларига матлубот кооперацияси йўли билан бозорга ажратилган фонддан олиб сотилади.

Қизил байроқлар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг, Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигининг, Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг, Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ҳамда қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи республика комитетининг тақдимига биноан берилади.

Область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига пахта теришда илғор бўлган районларга, колхозлар ва совхозларга топшириш учун кўчма Қизил байроқлар таъсис этиш, шунингдек ғўзани дефолиация қилишда қатнашган самолётларнинг экипажларини рағбатлантириш чораларини кўзда тутиш тавсия қилинади.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, ЎзТАГга, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетига пахта териш ва тайёрлашга қандай ҳозирлик кўрилаётганлигини, янги ҳосилни териш ва топшириш қандай ўтаётганлигини газета саҳифаларида, телевидение ва радио орқали тўла ёритиб туриш топширилди.

Республика газеталарининг саҳифаларида ҳурмат тахтаси таъсис этилади. пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажарган областлар ва районлар ҳурмат тахтасига ёзилади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет, қишлоқ хўжалик, тайёрлаш, комсомол ва касаба союз органлари, колхозлар ва совхозлар, барча қишлоқ меҳнатчилари етиштирилган ҳосилни теріб олишни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, ҳеч бир ҳосилни ерда қолдирмаслик учун ҳаракат қилиш, ҳосилни ўз вақтида ва ҳеч бир йўқотишсиз ташиб ол

Гуллаётган Мирзачўл

ЎЗБЕКИСТОН ХАЗИНАСИ

Т. БОИМИРОВ,
«Голодностепстрой» бошлиғи,
Ленин мукофоти лауреати.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1956 йилдаги қарори билан Мирзачўл ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича ягона раҳбарликни таъминлаш мақсадида «Главголодностепстрой» ташкил этилди.

Октябрь инқилобидан кейин халқлар доҳийси, Коммунистик партия ижодкори В. И. Ленининг ташаббуси билан Мирзачўл ерларини суғориш ва ўзлаштиришга киришилди, шу мақсад учун давлат йўли билан катта маблағ ажратилди, бир группа олим-мутахассислар юборилди. Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларнинг ишчилари чўлқуварларга мунтазам хилма-хил машиналар жўнатиб туришди, ҳозир ҳам жўнатиб туришибди. Шундай қилиб, 1918 йилдан 1956 йилгача бўлган даврда Мирзачўл ерларидан яна 156 минг гектарига сув чиқарилиб ўзлаштирилди ва қишлоқ хўжалик оборотига киритилди.

«Голодностепстрой» ташкилотига олтита қурилиш трести қарайди. «Янгиерводстрой» каналлар, сув иншоотлари қурилиши, ерларни планировка қилиш билан шуғулланади. Битта трест зовурлар қурилиши билан, тўртта трест эса саноат корхоналари, уй-жойлар қурилиши билан банд. «Иржарсовхозстрой» трести марказий массивда. «Мирзачўльсовхозстрой» жанубий-ғарбий массивда, «Обручевсовхозстрой» жанубий-шарқий массивда, «Промжилстрой» трести Янгиер, Ғулистон, Жиззах шаҳарлари ва бошқа қатор совхозларда шундай ишларни олиб бормоқда.

«Голсовхозремонтстрой» эксплуатация трести хўжаликлар орасидаги йўллар, электр тармоқлари, водопровод, алоқа, барча коммуникация ишлари билан шуғулланади, шунингдек, совхозлар билан шартнома тузиб, коммуникация ишларини олиб боради, биноларни ремонт қилади.

Суғориш системалари бошқармаси хўжаликлараро суғориш ва коллектор-зовур системалари, қудуқсимон зовурлар қурилишига раҳбарлик қилади, яна бир қатор муҳим ишлар устидан қузатув олиб боради.

Автомобиль трести бошқармаси 3 мингдан ортиқ автомобилга эга бўлиб, барча қурилиш материаллари ва конструкцияларни марказлаштирилган тартибда ташилишини таъминлайди.

Янги ерларни ўзлаштириш бошқармаси жуда катта ташкилий ишларни олиб боради. Янгидан бунёдга келтирилаётган ва тузилиб фойдаланишга топширилаётган совхозлар шу бошқармага итоат этади. «Голодностепстрой»га ишчилар таъминоти бошқармаси ва яна бир қатор бошқармалар қарайди. Умуман «Голодностепстрой» бўйича 62 миллат вакилларидан иборат 60 минг киши янги ерларга сув чиқариш ва ўзлаштириш соҳасида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қиляпти. Янги ерларни ўзлаштиришда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети жуда тўғри йўл тутмоқда.

Мирзачўл ерларини ўзлаштиришда техника ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Буни қуйидаги мисолдан кўриш мумкин. Биз 500 скрейпер, 400 экскаватор, 400 бульдозер, 3.500 пахта териш машинаси ва бошқа техника воситаларига эгамиз. Умуман юк ташиш транспорти 5.500 тадан ошади.

Мирзачўл ерларида янги массивларни ўзлаштириш қурилиш ва ободончилик ишлари билан маҳкам боғланган ҳолда олиб борилмоқда. Чўлга ҳужум бошлангандан буён ўтган қисқа фурсатда 1311,0 миллион сўм капитал маблағ сарфланди, шундан 941,6 миллион сўми қурилиш-монтаж ишларини бажаришга кетди. Чўлқуварлар бутун куч-ғайратларини давлат йўли билан сарфланган маблағни тезроқ қайтариб бериш, хўжаликларни рентабелли бўлишини таъминлашга сарф этмоқдалар. Қисқа вақтда 221,4 минг гектар янги ернинг ўзлаштирилиб қишлоқ хўжалик оборотига киритилиши ва кўплаб маҳсулот, хусусан пахта етиштирилиши бу орзуни тезроқ рўёбга чиқариш имкониятини бермоқда. Сўзимнинг исботи учун «Голодностепстрой» коллективининг 1973 йилдаги улкан режаларини кўрсатиб ўтаман. Ишлаб чиқариш плани бўйича совхозларимиз 205 минг тонна пахта тайёрлаши керак. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга азму қарор қилган пахтакорларимиз 300 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга сўз бердилар. Шу кунларда мўл ҳосил учун кураш бутун Мирзачўл ерларида шаҳдам олиб борилмоқда.

Янги зона хўжаликларида пахта етиштириш фақат комплекс механизация асосида олиб борилмоқда. Чигит экиш, ғўза парвариши, ҳосилга ҳосил кўшиш жараёнидаги ишларни хилма-хил машиналар бажаряпти. Эндиликда пахтани юз процент машиналарда териб олиш, теримда қўл кучи ишлатмаслик бош вазифа қилиб қўйилди. Бу йил шундай қиламиз. Юқорида тилга олинган 3.500 та «зангори кема»ни мавсумга шайлаб қўйдик.

Қурувчиларимиз катта ҳажмдаги ишларни сифатли қилиб бажаришлари керак. Жумладан, 190 минг квадрат метр уйжойни қуриб битказиб, фойдаланишга топширишлари лозим. Умуман эса улар 150 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарадилар. Бу — жуда катта маблағ, давлатимиз чўлқуварлар қақида қилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси!

Мирзачўл ерларига сув чиқариш ва ўзлаштириш янада кучайтирилади. Мақсадимиз беш йиллик охиригача ўзлаштириш мумкин бўлган ерларнинг ҳаммасини ишга тушириб, сўнгра тупроғи олтинга тенг Жиззах ва Фориш массивларига дадил ҳужум бошлашдир. Шу йилнинг ўзидагина Мирзачўл ерларидан 22 минг гектарига сув чиқариб, ўзлаштирилади. Бундай суръатни жаҳон тарихида ҳали ҳеч ким кўрган эмас. Фақат совет халқигина ўзининг доно Коммунистик партияси ва жонажон Совет ҳукуматининг ғамхўрликлари туфайлигина шундай катта ғалабага эришмоқда.

Битта янги совхоз қурилишига 30 миллиондан 40 миллион сўмгача маблағ сарфланмоқда. Мирзачўл районидаги Султон Сегизбоев номли совхоз қурилишига 30 миллион сўмдан зиёд пул кетяпти. Шуниси муҳимки, бу совхоз узоғи билан икки-икки ярим йилда қуриб битказиляпти. Бу қаҳрамон халқ меҳнатининг самараси! Совхоз шу йилнинг ўзида 3.900 гектар майдонда пахта етиштиради, гектаридан 35 центнердан ҳосил олади, 95 процент зироатни машиналарда теради. Келаси йили янада улканроқ муваффақиятларга эришади. Шундай қилиб, уч-тўрт йилда сарф-харажатни тўла қоплаб, давлатга соф фойда келтирувчи хўжаликка айланади, чўлнинг қоқ ўртасида ишчиларнинг ажойиб шаҳарчаси бунёдга келади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Гап шундаки, Мирзачўл ерларида ташкил топаётган совхозлар республикамизнинг пахтачилик лабораториясига айланмоқда, уларнинг шуҳрати мамлакатимиздан ташқарига ҳам кенг ёйилмоқда. Герман Титов номли, «Пахтакор», Ленин номли, «Фарғона», «Самарқанд», «Правда» номли ва бошқа ўнлаб совхозларимиз совет коллектив давлат хўжаликларининг намунасига айланди. Бу хўжаликларда пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик, бедачилик, маккажўхорикорлик, боғдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик ҳам тараққий эттирилмоқда.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Мирзачўл ерларини ўзлаштириш бошланганда айрим кишилар умидсизлик, қўрқоқлик қилди, зах сув кўп, ер шўр — ҳосил битмайди деб «каромат» кўрсатмоқчи бўлишди. Айрим кишилар Мирзачўл ерлари мардлар учун синов майдони эканини унутиб шахсий бойлик орттириш учун бу ерга келди, томорқа ҳосилини йиғиштириб олгач, жўфтак отиб қолганлар ҳам бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советига мингдан-минг раҳматки, ана шундай ғайри табиий кўринишларнинг ҳаммасига қаттиқ зарба берди, ҳалқимизни тўғри йўлдан боришга, Мирзачўлни гуллаган водийга айлантиришга чорлади. Бугун унинг ҳамма афзалликларини бутун жаҳон аҳли кўриб турибди, партия ва ҳукуматимизнинг доно сиёсатига, чўлқуварларнинг яратувчилик меҳнатига офарин деяпти.

Мирзачўл ҳалол ишлаган кишиларга бахт ато этувчи жойга айланди. Ветеран ишчилардан машинист Мелиқўзи Болтабоев, бульдозерчи Алимирза Алиевларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, уларнинг кўксида Ленин ордени, «Ўроқ ва Болға» олтин юлдузи порлаб турибди. Эндиликда бу қаҳрамонлар ишлаб чиқаришнинг муҳим участкаларига моҳирлик билан бошчилик қилмоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажонов 15 минг тонна пахта бераднган Ленин номли совхозга директорлик қиляпти. Совхоз директорларидан Собиржон Сиддиқов. Эргаш Холматовларга ҳам қаҳрамонлик унвони берилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қинибек Укубоев ўзининг бутун онгли қаёти ва меҳнат фаолиятини янги зонада ташкил қилинган «Партия XXIII съезди» совхозининг комплекс тараққий эттиришга бахш этмоқда. Ленин ордени кавалерлари скреперчи Арсентей Спиридонов, бульдозерчи Адҳам Ҳабибовлар ҳам суғориш ва янги ерлар ўзлаштиришга улкан ҳисса қўшмоқдалар.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш ижодкорлари ҳақида гап борганда Тўлан Дадажонов, Аҳмаджон Валиев, Фармон Раҳмонқулов, Оппоқой Рустамова каби ўнлаб, юзлаб механик ҳайдовчиларнинг номини фахр билан тилга оламиз. «Голодностепстрой» ҳузурида ўқув комбинати ташкил этганмиз. Ҳар йили 1200-1300 механизатор кадр тайёрлаймиз.

1973 йил барча касб эгалари сингари чўлқуварлар учун ҳам катта синов йилидир. Улар астойдил меҳнат қилиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштирадилар. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиб, чўлқуварлар деган номни яна бир карра шарафлайдилар.

Мирзачўл ерлари — олтин ерлар, келинг дўстлар, бу ерларга бирга сув чиқариб, бирга ўзлаштирайлик. Асрий Мирзачўлни гуллаган «оқ олтин» маконн, боғ-роғлар ўлкасига айлантирайлик!

ФАКТЛАР ВА РАҚАМЛАР

⊙ Мирзачўлда 221 минг 400 гектар янги ер фойдаланишга топширилди.

⊙ Биринчи қалдирғоч хўжалик — «Фарҳод» совхози 1957 йилда тузилди. 1961 йилда Узоқов номли, Гагарин номли, Титов номли совхозлар ишга туширилди.

⊙ Ҳозир Мирзачўлнинг янги қўриқ зонасида 31 совхоз бўлиб, 110 минг 696 гектар майдонда пахта етиштирилади.

⊙ «Голодностепстрой»нинг янги зонадаги совхозлари 1961 йилда 14 минг тонна пахта етиштирган бўлса, 1972 йилда 276 минг тонна пахта тайёрлади. Янги ерларни ўзлаштириш бошлангандан буён тайёрланган пахта 1 миллион 431 минг 500 тоннадан ошиб кетди.

⊙ Битта янги совхоз қурилишига 30-35-40 миллион сўм маблағ сарфланади. Унинг ўрни узоғи билан 5-6 йилда тўла қопланади.

МИРЗАЧЎЛ ЧЕТ ЭЛЛИК МЕҲМОНЛАР НАЗДИДА

МИРЗАЧЎЛГА сув чиқариб ҳаёт бахш этиш — азиз меҳмонга нон-туз тақдим этишдек лаззатли. Лекин космосга учишдек қийин. Совет кишилари бу қийинчиликларни енгиб, чўлнинг кўксини кўз қувонадиган даражада безабди. Бу — чўл пахтаси, қовун-тарвуз, беда-маккажўхориси. Хуллас, инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган ҳамма нарса шу ерда етиштирилаётганини кўриб, қойил қолдик. Жаҳоннинг ҳеч бир жойида бу қадар улкан ишлар қилинмаган бўлса керак. Чўлқуварларга офарин!

Элисио ДИЕГО,
кубалик шоир.

* * *

МИРЗАЧЎЛЛИК чўлқуварларга қойилмиз, улар асрий чўлни абадий гулистонга айлантирибди. Бу ерда «оқ олтин» кони очилибди. Одамлар яқин-яқинларгача қадам босишга қўрқиб юрган чўл бугун совет кишиларининг иродаси билан Мирзагулистонга айлантирилибди, сайрғоҳ жой бўлибди. Бизни ўзига чорлаган ҳам Мирзачўлнинг ғўзаллиги, бу ерда амалга оширилаётган гиғант ишлардир. Чўлқуварлар меҳнати — қаҳрамонлик нишонасидир.

Финляндиялик журналист Раймон СЕППЕЛА.

* * *

БИЗ МИРЗАЧЎЛ ерларида совет кишилари, хусусан ўзбек деҳқонларининг қўли билан яратилган жаннатнинг асл нусхасини кўрдик. Жаҳон кезиб ҳеч бир давлатда бундай улкан ишларни кўрмаган эдик. Чўлқуварларнинг меҳнат майдонидаги жасорати, матонати бизда ғоят катта, ўчмас таассурот қолдирди. Биз ўзимиз билан бирга қалбимизда Мирзачўл ҳиссиётини олиб кетяпмиз. Чўлқуварларга янада катта ғалабалар тилаймиз.

Бангладеш Республикаси Бош министрининг маслаҳатчиси АББОС жаноблари.

* * *

БИЗ АМЕРИКАЛИК мутахассислар янгидан сув чиқарилиб ўзлаштирилаётган Мирзачўл ерларини кўриб лол қолдик. Мирзачўл яхши одамлар, уларнинг меҳнатини бирлаштириб, халққа хизмат қилдириш маконига айлантирилибди. Бу ерда улкан техника тараққиёти амалга оширилаётганини кўрдик. Кўп куч талаб этиладиган меҳнат Мирзачўл шароитида шарафли меҳнатга айлантирилибди. Иш шундай давом эттирилаверса, ҳадемай Мирзачўл ёпасига гулистонга айланади. Совет кишилари бунга қодир эканликларига ишонч ҳосил қилдик.

Америкалик сайёҳлар группасининг бошлиғи Жилбер СТАММ.

Чеканкадан кейин ғўза парвариши кучайтирилаётган пайкалда суратга олинган икки чўлқувар-га қаранг. Улардан чапдагиси 50 центнерчи пахтачилик бригадасининг бошлиғи Қудрат Тоғаев, ўнгдагиси эса йирик бўлим бошқарувчиси Жумаш Назаров. Бўлим пахтакорлари ҳам 45 центнерлик марраии эгаллаш учун курашяпти. Шулар ва шуларга ўхшаган мингларча чўлқуварларнинг бунёдкорлик меҳнати билан Мирзачўл ерлари кўз илгамас «оқ олтин» пайкалларига айлантирилмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ЧЎЛ ҚОРВАСИ

Совхозимиз пахтачиликка ихтисослаштирилган. Ҳар йили 17-18 минг тонна пахта етиштириб келдик. Бу йил эса 21 минг тонна «оқ олтин» тайёрлаш мажбуриятини олганмиз. Ҳозир мажбуриятимизни қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш учун қизғин кураш кетяпти. Терим машиналари мавсумга шайлаб қўйилди.

Бир кезларда совхозимизда чорвачилик фермаси ташкил этиш ҳақида гап борганда айрим ўртоқлар «Яйловлар йўқ, шу важдан чорвачиликни ривожлантириб бўлмайди» деб эътироз билдиришди. Партия ташкилотлари бундай қолоқ фикрларга қаттиқ зарба берди. Катта чорвачилик комплекслари қуриш, пахта-беда алмашлаб экишни жорий этиш йўли билан озуқа базасини мустаҳкамлаш мумкинлигини уқтирди. Бу масалада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биз чўлқуварларга айниқса яқиндан ёрдам берди.

1970 йилда чорвачилик фермаси ташкил қилиниб, 440 бош насли ғунажин келтирилди. Шунга қадар катта чорвачилик комплекси қурилиб, «Даугова» сут соғиш агрегатлари ўрнатилди. Ғунажинлар тез орада бузоклай бошлади. Ҳозир 260 та говмуш сигиримиз бор. Улар чўл шароитига тез кўникиб кетди. Натижада маҳсулдорлиги оша борди. Совхозимиз бўйича 1971 йилда давлатга 151 тонна сут отказиб берилди. 1972 йилда эса 474 тонна серқаймоқ сут армуғон этилди.

Чорвадорларимиз 1973 йил учун юксак мажбурият қабул қилдилар. Халқимизга 554 тонна серқаймоқ сут жўнатамиз. Шу кунга қадар 351 тонна сут жўнатдик.

Келтирилган фактлар ва рақамлардан кўриниб турибдики, Мирзачўлда чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Фақат кишиларда ҳоҳиш, ироде бўлса кифоя.

Узингиз ўйлаб кўринг, ҳурматли газетхонлар, чўлда чорвачиликни ўзимиз ривожлантирмасак, ким ривожлантиради? Гўшт, сутни чўлқуварларга шаҳардан келтириб берадимиз? Озуқа йўқ экан, уни бундёга келтиришимиз керак. Пахта-беда алмашлаб экишни кенг йўлга қўйсак, маккажўхорига каттароқ ўрин берсак, озуқа базаси мустаҳкамланади. Бу эса чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот миқдорини кўпайтириб, сортини яхшилаш демакдир.

Тўғри, чўл шароитида янгиликни ҳаётга татбиқ этиш анча қийин иш. Лекин бундан чўчимаслигимиз керак. Ҳалол меҳнатимиз билан чорвачилик мўл-кўлчилигини бунёдга келтириб, Мирзачўл ерлари нималарга қодир эканлигини пахтакорлар сингари бутун жаҳонга кўрсатишимиз лозим. Совхозимизда Фотима Ҳожиисломова, Ойтўра Бобоева, Кандолат Ҳайбарова, Дилбар Яхшибоева каби ажойиб сигир соғувчилар етишиб чиқди. Улар ўзларига бириктилган ҳар бош сигирдан ҳозирча 1700-1800 литрдан сут соғиб олмоқдалар. Бу салмоқдор рақам эмас, албатта. Лекин фермамиз янги ташкил этилгани, ғунажинларимиз биринчи марта туққани ҳисобга олинадиган бўлса, кўрсаткичимиз чакки эмас. Сигир соғувчиларимиз келаси йилдан бошлаб сигирларнинг ҳар бошидан 2400-2500 литрдан сут соғиб олиш режаларини белгиладилар. Ундан кейинги йилларда янада юқори кўрсаткичларга эришамиз.

Совхозимизнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, чўл зонасидаги янги совхозларнинг ҳаммасидан намунали сут-товар фермалари ташкил этиш, чорвачилик комплекслари қуриш, оғир ишларни комплекс механизациялаш мумкин ва лозим. Бундан бўйин товлаган кишиларни консерватор деб атаса хато қилинмаган бўлади. Пахта кони бўлган Сирдарё областимиз чорвачилик масканига ҳам айлантирилмоғи зарур. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор.

Масалан, бизнинг совхозимизни олиб кўрайлик. Пахта-беда алмашлаб экиш схемасига мувофиқ 1642 гектар майдонда беда ўстирмоқдамиз. 2500 тонна беда пичани тайёрлаймиз. Қишловга кўплаб беда уни, сенаж бостиряпмиз. Маккажўхори қишлоқ хўжалик экинлари қаторидан муқим ўрин олди. Бу йил 3.400 тонна силос бостирамиз. Бу ишнинг катта қисмини ўринлаб қўйдик. Ундан ташқари маккажўхори донн етиштириш йилдан-йилга кўпайтириляпти. Хашаки лавлаги, ковоқ ва бошқа озуқабоп экинлар экиш, ҳосилдорликни кўтаришга қаратилган тадбирларни амалга оширяпмиз.

Гўшт етиштиришга ҳам киришдик. Бу йил давлатга камида 50 тонна бўрдоқи гўшти армуғон этамиз.

Жўрабой МАМАТМУРОДОВ,
Ильич районидаги Титов номли 6-совхоз зоотехниги.

Механизатор—марказий фигура

Касбим механизатор, бу билан фахрланаман. Халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишга ҳисса қўшиш билан ўзимни бахтиёр деб биламан.

Мен ўтган йили «зангори кема»да 300 тоннадан зиёдроқ пахта тердим. Бу ҳар бири беш тоннадан пахта терадиган 60 теримчининг нормасидир. Энг муҳими — терим машиналаштирилиши туфайли фурсатдан ютяпмиз, ҳосил чўғини ошириб, сортини яхшилаяпмиз. Илгари қариб уч ойга чўзилган терими 30-35 иш кунида тугаллашга муваффақ бўлмоқдамиз.

Бу йил барча касб эгалари сингари биз, қишлоқда марказий фигура аталмиш механизаторлар ҳам катта синовдан ўтамиз. Ҳар биримизга етиштирган пахтамизнинг чўғи, бункерлардан тўккан дурдонамизнинг миқдори ва сифатига қараб баҳо берилади. Шундай экан, ҳаммамиз терим машиналаримизни мавсумга шайлаб қўйайлик, мукаммал ишлашини таъминлашга қаратилган чораларни кўрайлик. Ҳар бир механизатор мавсумда қанча пахта теради, қайси пайкалларда терим ўтказади, мажбуриятини неча кунда бажаради, шулар ҳақида жиддий ўйлаб кўйсин, фурсат тигиз келганда аттанг, деб қолмасин.

Мен мавсумда 400 тонна пахта териш мажбуриятини қабул қилдим. Машинамни мавсумга шайлаб қўйдим. Совхозимизнинг бошқа механизаторлари ҳам мусобақага қўшилиб, ҳоли қудрат мажбурият олдилар. Сўз бериб — бажариш, ваъда қилиб — устидан чиқиш биз механизаторларнинг азалий одатимиздир. Сирдарёлик машҳур механизатор Аҳмаджон Валиев мавсумда 900 тонна пахта териш мажбуриятини олиб, ҳаммамизни социалистик мусобақага чақирди. Чақириққа лаббай, деб жавоб берайлик.

Мирзачўл — мардлар макони, кураш майдони. Биз механизаторлар мардлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатайлик, курашда енгил чиқиб, совет пахтакор-механизатори деган номимизни яна бир карра шарафлайлик.

1974 йилда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганининг 50 йиллиги нишонланади. Тўйга муносиб тўёна тайёрлаш учун ҳозирдан белни маҳкам боғлаб, фидокорона меҳнат қилайлик.

Оппоқой РУСТАМОВА,
Оқ олтин районидаги Ворошилов номли совхоз механизатори.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Совхозимиз 1971 йилда тузилди. Мирзачўлнинг қўриқ зонасидаги кенжа хўжаликлардан бири. Қурилиш-ободончилик ишлари шаҳдам давом эттириляпти. Бултур пойдевор қўйилган иморатларда бу йил чўлқуварлар оила аъзолари билан пирибадавлат ҳаёт кечиряпти, ҳалол меҳнат ғаштини суряпти. Совхозимизга яхши ният билан келган кишилар данғиллама уйлар билан таъминланяпти, кўпчилик хўжаликлар қўш қаватли уйларда истиқомат қиляпти.

Кўчаларимиз равон, асфальтланган. Ильич чироғи ҳамма жойга нур сочиб турибди. Ҳонадонлар газалитирилмоқда. Радио, телевизорсиз ҳонадон йўқ. Кўп ўринли клуб, кино-театр халқимизга хизмат қиляпти. Кўша-кўша магазинлар очилган. Хуллас, совхозимиз янги ташкил этилганига қарамай меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш кутилганида эзиёдроқ уюштирилган.

Биз асосан пахтачилик билан шуғулланамиз. Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг ғамхўрликлари туфайли пахтачилик ишлари тўла механизациялаштирилмоқда. Чигит экишдан тортиб, пахта теримигача бўлган ишларнинг ҳаммаси хилма-хил машиналар воситасида бажарилмоқда. Кейинги бир йил ичида теримни машиналаштиришда ҳам улкан ғалабаларга эришдик. Ўтган йили ялпи ҳосилнинг 85 проценти «зангори кема»ларда териб олинди. Бу йил 3.900 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етиштиришга азму қарор қилганмиз. Шундан 95 процентини машиналарда терамиз, қолган қисмини ҳам турли механизмлар ёрдамида саранжом-сариштаклаб оламиз.

Мирзачўл — хазиналар макони. Буни кўзимиз билан кўриб тўла ишонч ҳосил қилдик. Мирзачўлга келмаган кишилар бошқача таассуротда бўлиши мумкин. Эндиликда ҳатто бу ерларни чўл деб аташга тил бормайди. Поёнсиз пахтазорлар денгиздек тўлқинланиб, мавжланиб ётибди. Эски зонадаги совхозларда гектаридан 35-40 центнердан пахта хирмони кўтариляпти. Янги зонадаги совхозларда ҳам пахта ҳосилдорлиги бундан кам бўлмаяпти. Юқоридда совхозимиз бу йил гектаридан 35 центнердан ҳосил олиши айтилди. Лекин бу чегара эмас, 40-45 центнерлик хирмонни кўзлаб иш олиб бормоқдамиз.

Мирзачўлда деҳқончиликдаги янгиликлар нималардан иборат? Ҳамма иш механизация асосига қурилган. Совхозимизда 111 та пахта териш машинаси бор. Уни 222 механизатор бошқаради. Иш икки сменада ташкил қилингач, етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини 30-35 иш кунида саранжомлаб олиш мумкин. Биз шуни кўзлаб иш тутяпмиз.

Сув — ғўзанинг қони. Буни ҳам яхши биламиз. Мирзачўл шароитида сувдан камчил жойимиз йўқ. Лекин шундай экан деб исрофгарчиликка йўл қўймаслигимиз керак. Бизда сув лотокларда оқиб келади, пайкалларга шланглар орқали таралади. Натижада бир томчи сув исроф бўлмайди. Шу кеча-кундузда 200 дан зиёд сувчи ғўзаларни қондириб суғоряпти. Бир суғранинг ўрнида, ги ғўзаларнинг сув ичмай қолиши ёки устма-уст суғорилиб ғовлатиб юборилишига йўл қўймаяпмиз. Ҳар литр сувдан ҳосил нишоналарини кўпайтириш, кўсакларни тезроқ очилтириб олишни кўзда тутиб фойдаланяпмиз.

Баҳорда гербицидлардан самарали фойдаланганимиз туфайли бегона ўтлар анча камайди. Кейинчалик икки тонмлама культивация ўтказиб, бегона ўтларни йўқотдик. Пахта терими бошлангунча парваришни қизғин давом эттирамиз, бирор туп бегона ўтни қолдирмаймиз. Шундагина машиналарнинг унумли ишлашига қулай шароит яратамиз. Терим бошлангунча ҳамма чопиқ тракторлари пайкаллардан чиқмайди. Ғўзалар ўсиб кетгани, ҳосил шохлари бир-бирига киришганини инобатга олиб механизаторларнинг кунлик нормасини камайтирдик, ҳар бир тракторга 3,5-4 гектардан норма белгиладик, уни ошириб бажарган механизаторлар рағбатлантирилмоқда.

Нишонқул Алимбетов бошлиқ бўлим пахтакорлари 1150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта хирмони кўтариш учун курашмоқдалар. Турсунбой Қўйлонов бошлиқ бўлим пахтакорларининг аҳди паймони ҳам шундай. Бу бўлимларда культивация, суғориш, ҳашаротга қарши кураш бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда. Натижада ҳосил нишоналари кун сайин кўпаймоқда. Ҳозир ҳар туп ғўзада 13-14 та бўлиқ кўсак санаш мумкин. Бўлимларнинг ишчилари парваришни 10 сентябргача давом эттиришга қарор қилдилар.

Ҳосилнинг чўғи чакки эмас. Лекин кўсакларни тезроқ очилтириб олиш масаласини ҳал қилмоғимиз лозим. Бунинг учун сизот сувни иложи борича камайтириш ғалаб этиладн. Шу мақсадда тупроқ қазиш, зовур тозалаш механизмларини тўла ишга тушиردик. Айни кезда йўллар, кўприкларни ремонт қиляпмиз.

Дефолиация — машина теримининг тақдирни ҳал қилади. Биз дефолиацияни ҳар туп ғўзада 4-5 та кўсак очилганда бошлаб узоғи билан беш-олти кунда тугаллаймиз. Кўсакларнинг 60-70 проценти очилганда эса машина терминни бошлаймиз.

Мирзачўлнинг тупроғи олтин, суви ғаз ҳар, меҳнатидан қочмаган кишилар шонушуҳрат эгаси бўлишлари мумкин. Биз партия ташкилотлари атрофига ҳар қачонгидек ҳам маккамроқ жипслашиб, Мирзачўлни «оқ олтин», боғ-роғлар диёрига айлантирамиз.

Бегим СЕРИКОВ,
Мирзачўл районидаги Султон Сегизбоев номли совхознинг директори.

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

ШАҲРИСАБЗ КУЛОЛИ

Москвадаги санъат манежида коёб бир сурат бор. Юзларини ажин босган, мошгуруч соқолли нуроний отахон чўгдек лаган ва косаларга меҳр билан боқиб турибди. Мўйқалам соҳиби Григорий Улькс ижодига мансуб бу ноёб портретда шаҳрисабзлик халқ устаси Абдукарим Ҳазратқулов акс эттирилган.

Шаҳрисабзнинг «Яккабоғ» дарвозасидан ўтиб ҳунармандлар маҳалласига чиқасиз. Бу ерда 30-йилларнинг бошларида 18 та кулолчилик устахонаси бўлган. Кулолсозлар эшакларда узоқ-яқиндаги қишлоқлардан қизил, оқ лой олиб келишарди, — деб эслайди Абдукарим Ҳазратқулов.

Отахонинг ғаичли ўтмиш ҳақидаги ҳикояси киши кўз ўнгида оёқлар кучи билан тинмай айланаётган дастгоҳ дўнгалаклари, энтикандек чуқур-чуқур нафас олаётган босқонлар ва сандонларни гавдалантиради. Абдукарим Ҳазратқуловнинг етти пушти кулол ўтган. Умри ана шу халқ усталари сафида кечган, ана шу сермашаққат ҳунар билан суяги қотган Абдукарим ота бу ҳунарни ўргана бошлаганида эндигина олти ёшда эди. Отаси ҳам бу ҳунарни ўз отасидан ўрганган экан.

Бу ажойиб ҳунар соҳиблари фақат рўзғор учун қоронғу бир ҳужрада ёнгирма хилдан ортиқ идиш-буюмлар ясашарди. Оддий косадан тортиб то сут ҳурмачасигача ана шу қўли гул устаналар кафтида сайқалланар, ял-ял товланарди, Улардаги ўзига хос миллий ранг-баранг безаклар, бўёқларни айтмайсизми? Нозик дид билан сайқал берилган «Пашша қанот», «Чоргул», «Зулфак», «Парпашша», «Мирабгул», «Ислими», «Аноргул», «Илон изи» ва «Бўтакўз» деб номланган қатор нақшлар оддий сопол буюмларда жило топарди.

Кенса халқ устаси Абдукарим ота боболарнимизнинг ажойиб ҳунарини давом эттирувчи ўнлаб шогирдлар етиштирди. Ҳазратқул Сатторов, Файзулла Худойқулов, Азим Ҳотамов, Янгибой Иброхимов, Файзулла Абдуллаев, Воҳид Усмонов сингари қўли гул уста кулоллар шулар жумласидан. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, отанинг шогирдлари Абдувоҳид Музаффаров, Ҳазратқул Сатторов ясаган гўзал ва бежирим лаган, коса ва турли ўйинчоқлар Иттифоқимизнинг кўпгина шаҳарларида ҳам машҳур.

Абдукарим ота ижод этган жозибали ва фусункор буюмлар ҳатто чет элларда ҳам маълум ва машҳур. Ота қўлида сайқал топган кулолчилик буюмлари бир неча бор Москва, Ленинград, Киев, Рига, ҳатто Польша ва Германия Демократик Республикасида ташкил этилган халқаро кўргазмаларда муносиб мукофот олган.

Абдукарим Ҳазратқулов ҳозир саксон икки ёшда. Лекин, у ҳали йигитлардек бардам ва бақувват. Истеъдодли халқ рассоми кўксида ҳукуматимизнинг орден ва медаллари порлаб турибди. У СССР Рассомлар союзининг аъзоси, қатор Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

Абдукарим отанинг уйи билан бақамти турган кулоллар маҳалласидаги устахона шаҳар маҳаллий саноат комбинати коллективининг ёрдами билан муваффақиятли ишлаб турибди. Унда отанинг ажойиб ҳунарини давом эттираётган шогирдлари Абдувоҳид Музаффаров, Муҳсин Раҳматовлар жонон лаган-у, тўй товоқларни элга инъом этишяпти. Шу йилнинг ўтган ойларида улар савдо тармоқларига юз минг сўмликдан ортиқ турли бадиий кулолчилик буюмлари етказиб беришди. Бу, кўзда тутилганидан анча эрадир.

Беш йиллик ичида устахона учун замонавий типдаги янги цех қурилиб, ишга туширилади. Халқимизнинг ўлмас анъанавий санъати — кулолчилик авлодлар оша яшайверади, жамол топаверади.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири,
Б. НАМОЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлар постининг аъзоси.

МОСКВАДАН ХАТ

КЎРГАЗМАДА „ПОЛВОНЛАР ҚУРАШИ"

Умумжаҳон студентлари ўйинлари — «Универсиада-73» мусобақаларига старт берилиши арафасида мазкур анжуманга бағишлаб кўргазма очилди. Москвадаги Рассомлар уйида ташкил этилган бу кўргазма «Ешлар ижодида спорт» деб номланмоқда.

Спорт мавзуига бағишланган Бутуниттифоқ бадиий кўргазмасида 35 ёшгача бўлган мўйқалам усталари ўз асарлари билан иштирок этишяпти. Бу ерда спортчиларнинг чаққон ва нафсатли ҳаракатларини ҳар хил шаклларда ифодаловчи катта-кичик асарлардан 300 га яқини намойиш қилинмоқда.

Универсиада қатнашчилари — жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган студент-спортчилар эътиборини ленинградлик Ян Нейманнинг «Олимпиа олови» номли ҳайкал — композицияси, фрунзелик В. Герасимовнинг «Қишлоқ болалари» картинаси тортмоқда. Донецклик рассом А. Шапоренконинг «Конькичилар», «Ешлик» деб номланган полотнолари спортчи йигит-қизларнинг маънавий ва жисмоний камолотини акс эттириши билан диққатга сазовор.

Кўргазмада намойиш этилаётган «Полвонлар кураши» номли асар олдида ҳам томошабинлар гавжум. Тошкентлик литограф М. Каҳҳоров ёшларнинг беллашувини қизиқарли акс эттирилган.

С. КОСТИРКО.



Тошкент заргарлик буюмлари заводининг ижодкорлари хотин-қизларга хўш келадиган кўплаб безак буюмлари намуналарини яратмоқдалар. Шу йилнинг кейинги етти ойи мобайнидагина бундай буюмлардан 70 хили ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Улар орасида ажиб товланадиган зираклар, тугмачалар, билагузуклар, узуклар ва бошқа хил тақинчоқлар бор. Ана шу безак буюмларининг ансамблари «Союзювелирпром» бадиий кенгаши томонидан маъқулланди. Яқин вақтлар ичида тошкентлик моделчи-рассомлар яратган бу безак буюмлари савдога чиқарилади.

Суратларда: моделчи-рассомлар Алексей Шаповалов ва Жалил Содиқов яратган янги заргарлик буюмлари намуналари.

А. Авазов фотоси. (ЎзТАГ).

ТАРБИЯ, ИНСОН ВА ҚОНУН

ПУЛ ГАДОЛАРИ

Пулга сажда қилганлар инсонликни тарк этади... (Р. ТАГОР).

«Ҳурматли редакция! Бир йигитнинг аянчли тақдири ҳақида ёзмасдан туролмадик. Қариб бир ойдан бўён унинг устидан суд бормоқда... Қаҳрамон бундан беш йил муқаддам Гулистонга келганда, узоқ вақт арзон-гаровли ишлар қидирди, оддийгина яшади. У ўшанда одамларга яқин эди. Одамлар ҳам унга меҳрибон эди. Магазинга ишга ўтди, товаровед, директор бўлди, машина устига машина, хотин устига хотин олди, уй устига уй қурди... Бугун эса унинг устидан суд бормоқда. Лекин уни жиноят кўчасига бошлаган, турли жиноий ишлар учун имконият яратиб, қаллоблиги учун рағбатлантирган кишилар суд курсисида йўқ, аксинча улар гувоҳлар ва томошабинлар орасида туришибди...

М. МАҲМУДОВ,
О. ТОЛИПОВ,
маҳалла активлари, Гулистон шаҳар, Сирдарё области».

Совет савдоси ходими номига доғ туширишдан, Булунғур район халқ суди томонидан икки йил шартли озодликдан маҳрум этилганда, Қаҳрамон Холиқов 24 ёшда эди. Бу унинг биринчи қўлга тушиши бўлса-да, лекин дастлабки эгри қадами эмасди. Кўза бу зарбдан дарз кетди-ю, бироқ аллакимларнинг сирли паноҳи остида синмай қолди.

Ўша йили совет савдосининг муқаддас қонунларига мутлақо хилоф равишда Қ. Холиқов, аввал судланган бўлишига қарамай, Сирдарё область матлубот жамиятида товаршунос сифатида пайдо бўлди. Лекин унинг икки йил шартли озодликдан маҳрум этилганлиги на Самарқанд Давлат савдо институтида ўқишни давом эттиришига, на совет савдосида ишлашига заррача монелик кўрсатолмади.

Ўз ҳомийларининг кўмаги билан янги «Меҳнат дафтарчаси»га эга бўлиб, Гулистон шаҳрида иш бошлаган бу шахс тезда 1-универмагда атторлик бўлимининг мудирлигини эгаллади. Мана шу ерда «мустаҳкам илдиз отиб кўкариш» учун ўзига тоғалар ва оғалар топди. Шу туфайли атторлик бўлимининг ноёб молларини эшик қоғиб, тешикдан ошириш-ашерди. Шу ерда у пулга тўзоқ қўйиб, «Волга» машинасига эга бўлди ва ҳар эҳтимолга кўра уни Самарқанд магазинларининг бирида қоровул туриб, қўл учида тирикчилик тебратаётган акаси Ғафур Холиқовнинг номига ўтказиб қўйди. Шундан кейин яна учта енгил машина сотиб олди ва Гулистон шаҳар ижрокомининг собиқ раиси Б. Умаров, «Узспортторг»га қарашли Гулистон шаҳар автомагазинининг директори Боқи Мақсумов ва Гулистон шаҳар автоинспекциясининг собиқ бошлиғи Сотимбек Юнусметовларнинг оқ фотиҳаси билан улардан бирини отасига ва иккитасини ўз номига расмийлаштирди. Бир йилда уч марта квартира янгиланди. Ким нимадан ном чиқариб, нима билан дон тараган бўлса бордир, лекин кўп машиналик ва кўп хотиниликда ҳеч ким Қаҳрамоннинг олдига тушолмади...

1970 йилнинг июль ойида Қ. Холиқовни институтдан давлат имтиҳонига чақириб қолишди. У отпускада дам олиб турган сотувчи А. С. Михайловани чақиртириб, атторлик бўлимини қабул қилиб олишга кўндирди ва уч складдан иккитасини рисоладаги ҳамма тартибларга биноан топширди. Учинчи складни эса савдо қоидаларига зид равишда қулфлоғлиқ ҳолда топшириб, икки ойдан сўнг шу ҳолда қайтариб қабул қилиб олишга сўз берди. Бироқ Михайлова ҳадиксираб турганда, Қ. Холиқов шартта учинчи склад ҳисобидан 155 минг сўмлик соҳта фактура ёзди-да ревизия комиссиясининг раиси Ю. Л. Пакка имзо чекдириб, унинг қўлига тутқазди. Ана шу дақиқадан бошлаб, биринчи универмаг ҳаётида дастлабки соҳта ҳужжат ҳамда Холиқов, Михайлова ва Пакларидан иборат жиноятчилар гуруҳи пайдо бўлди. Жиноятнинг дастлабки куртаги ана шундай ниш урди.

Жиноятчи Қаҳрамон Холиқов икки ойдан сўнг, атторлик бўлимига эмас, балки универмагга директор бўлиб қайтди. 155 минг сўмга «баҳоланган» учинчи склад можароси тинчимас, Михайловани ҳар қадамда ревизия хавфи босар ва у юрагини ҳовучлаб юрарди. Бироқ Қаҳрамон бунинг ҳам йўлини топди: у, бир куними яраб қоларсан деб, 19 ёшли Нина Чекалованинг йўлига кўпдан тузоқ қўйиб юрар ва икки марта ғайри-қонуний равишда аборт қилдиришга мажбур этганига қарамай, ҳамон уйланишни ваъда қилиб келарди. Қаҳрамон Нинахон билан бўлган ширин учрашувларнинг бирида тўйга бир нарса ҳалақит бериб турганидан нолиб қолди.

— Нима экан? — деди шунда нозланиб Нинахон.

— 3-склад, — деди «куёв бола» жиддий. — Мана шу складни сен қабул қилсанг, яхши бўларди. Лекин ундаги молларнинг ушол-савоби менинг бўйнимда, сен хотиржам бўлишинг мумкин.

Ростдан ҳам Нина Чекалова атторлик бўлимини қабул қилиб олар экан, 3-складдан хотиржам бўлди. Лекин Холиқов ва Михайлова бўлимни унга топшириш арафасида 3-складда аслида нима бору, нима йўқлигини кўздан бир кечириб кўрмоқчи бўлишди. Бор-йўғи 135 минг сўм йўқ экан! Михайлова склад остонасидаёқ хушидан кетди. Холиқов уни базўр суяб турар экан, юзига сув пуркаб «мардонавор» руҳлантирди: «Кўзингни оч, Антонина, нимадан ғам тортасан, тўртта енгил машинам бор, тоғам бор, поччам бор, ҳар қанча камомадни текислаб юбораман!»

Холиқов машиналарни ҳам сотмади, камомадни текислаб ҳам овора бўлмади, кўзи сузилиб турган Чекаловага қармоқ ташлаб қўя қолди. Бу осон ва қулай, энг муҳими — арзон йўл эди. Бўлимни Михайловадан Чекаловага ўтказиш пайтида абадий қулфлоғлиқ 3-склад номига 176 минг 747 сўм 69 тийинлик иккиччи соҳта фактура ёзилиб, жиноятчилар сафига яна уч киши ихтиёрий қўшилди. Булар: Н. Чекалова, ревизор-инвентаризатор Н. Корабоев ва ревизия комиссиясининг раиси А. Кучликова эди.

1972 йил август ойида республика Савдо министрлигининг М. Акромхўжаев бошчилигидаги ревизия комиссияси фавқулодда ревизия бошлаб, магазин ва склад эшикларига муҳрли қулф босмагунга қадар Қ. Холиқов ва бошқалар жиноят изларини беркитиб келдилар. Оқибат нима бўлди? Качонлардир сўмлардан бошланган жиноят фактлари 280 минг сўмга етганлиги маълум бўлди! Бироқ, пул гадоси ҳамон дадил ва қатъий ишончда эди. Бир пайтлари магазиннинг эшигини қўйиб, фақат тешигидан қўл чўзиб юрган турли тоифадаги суянчиқлар бу вақтда ўз позицияларини ўзгартириб танимас «бегона»ларга айландилар. Лекин Қаҳрамон ҳамон сир бой бергиси келмасди: у ҳамма илдизлар узилиб, ҳамма суянчиқлар қулагач, энг сўнгги имконнятга ўтди: «Агар шу 280 минг сўмни ўрнига келтириб қўйсамчи? Жиноятдан озод этасизми?» «Аввал келтириб қўйинг, — дейишди унга жавобан ревизорлар, — жиноятдан қутулиб қоласизми, йўқми, буни тегишли органлар ҳал қилади!».

Пул келтириш учун Самарқандга кетган Қ. Холиқов бу мудхиш жиноятдан қутулиб қолиш мумкин эмаслигини сезиб қолди-ю, «яширин хазина»ни очиш ўрнига аксинча — маҳкамроқ беркитиб қайтди. Оқибат натижада жиноятчи ўз шерикларидан бир кун кейин — 1972 йил 18 август куни қамоққа олинди...

Мана, жиноятнинг учқуни, ниш уриши, тўғилиши ва ниҳоят етилиши ва ёрилиши... Мана, инсоннинг инсоф косасидан тошиши ва 30 ёшида бевақт тўкилиши... Самарқандда икки данғиллама участка, Гулистонда 3 хонали секция, икки хотин, 4 автомашина, ҳар бирида минг сўмлик «музикали сигнал», хашаматли жиҳозлар, сон-саноқсиз пуллар, ахлоқсиз қайфу-сафолар... Бир қараганда, ҳамма нарса ойдин кўриниб турибди. Жиноятчилар ва жиноят излари аниқ. Республика ва шаҳар прокуратурасида тергов ишлари қарийб бир йил давом этди. Лекин Сирдарё область халқ судининг раиси О. Одилов бошчилигида ўтган суд ҳайъатининг иш процессида жиноятнинг янги-янги қирралари, айни пайтда Ўзбекистон ССР прокуратураси ҳузуридаги муҳим ишлар терговчиси ўртоқ А. Муҳамедов ҳис этмаган ва айбнома ҳужжатларида негадир четлаб ўтган жиноят аломатлари ва уларнинг илдизлари очилди...

Сўнгги ревизия пайтида универмаг складларидан 121 минг 352 сўмлик фактурасиз ўғирлик моллар топилиб, уларнинг асосий қисми Янгиер шаҳридаги «Янгиерпромкомбинат»га қарашли эканлиги аниқланган ва кейинчалик бу ўтмас матоҳларни комбинат раҳбарлари қайтариб олишга мажбур бўлган эдилар. Бу ҳақда ўз пайтида олди-берди актлари тузилган ва уларни иқрорнома сифатида комбинат директори ўртоқ Миколян ва катта мастер Бувачидзе тан олиб, жиноятчиларни топишда тергов органларига кўмаклашишга ваъда берганди. Бироқ Миколян ва Бувачидзе ўртоқлар ўз ваъдасини унутиб, комбинат архиви ва ҳужжатларига ўт қўйиб юбориш билан кифояландилар, холос. Тергов органлари томошабин бўлиб қолавердилар. Ахир, магазинни фактурасиз ўғирлик моллар билан таъминлаб турган комбинатдан бир йиллик тергов давомида биронта жиноий изнинг очилмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?! Гулистондаги 1-универмаг «Янгиерпромкомбинат»дан фактурасиз ўғирлик моллар олган ёлғиз магазин эмас-ку?! Ким билади, бу комбинат яна қанча кишиларни жиноят ботқоғига тортишда давом этмоқда? Яқинда давлатга 500 минг сўмлик моддий зарар келтирган Янгиер ОРСларининг магазинларида ҳам «Янгиерпромкомбинат»га қарашли ўғирлик моллари топилди-ку? Наҳотки, бу жиноятларга чек қўйиш, унинг ўқ илдизига болта уриш мумкин эмас?!

«Узтекстильторг»нинг Сирдарё область базаси ходимлари (бошқарувчиси У. Қудратуллаев) «енг учида пора олиш»нинг устаси фарангларга бўлиб қолишган. Универмаг энг ноёб моллари шу базадан гумдон қилиб келган. 47-магазинга ёзилган 10 минг сўмлик шойи-атлас шу базадан тўғри чайқовчилар қўлига-бозорга жўнатилган. Шу базадан олинган 300 та жун рўмол ғайри-қонуний равишда Самарқандга жўнатилиб, қўлга тушганда, область прокуратураси кўриниб турган бу жиноятни бир ярим йил судраб обдон «ўрганди-ю...» охирига етолмади.

Қ. Холиқов «Узоптгалантерея»нинг Тошкент шаҳар базаси билан, шахсан база директори Барат Аванесович Баратов ва склад мудири Шариф Ҳусанов билан узоқ вақт жиноий тил бириктириб келган. Натижада 1972 йил 11 февралда 17 минг сўмлик ноёб моллар олган пайтида директор кўрсатмаси билан склад мудирига 32 м² «Хирот» ва «Экстра» гиламларини порага қолдирган эди. Холиқов турли савдо ташкилотларидан ноёб молларни бозорларга, Самарқанд ва Гулистондаги уйларига жўнатиб, уларнинг ўрнига турли жойлардан фактурасиз ўғирлик моллар олиб, машъум «3-складга Босиб ташлайверган. Лекин шунга қарамай Холиқов билан ҳамтовоқ бўлган Миколян, Бувачидзе, Баратов, Ҳусанов каби кўпгина нопок кишилар бугунги кунда совет савдоси ва бошқа масъул муассасаларда даврини суриб турганлиги жуда ҳайратли ва таажжубланарлидир.

Бу жиноятларнинг бош айбдори, шубҳасиз, Қаҳрамон Холиқовдир. Бироқ унинг жиноят кўчаларида эркин жавлон уришига бунчалик кенг йўл очиб берганлар ким? Бу савол Сирдарё областининг собиқ прокурори М. Магдиев ва область ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи Х. Давиров, область савдо бошқармасининг собиқ бошлиғи М. Аминов, шаҳар ижрокомининг собиқ раиси Б. Умаров, область ички ишлар бошқармаси ОБХССининг бошлиғи ва бошқа баъзи казо-казо ўртоқларга мутлақо хуш ёқмайди. Уларнинг бир қисми Қаҳрамон бойваччанинг жиноятлари очилиши арафасида, айримлари ундан бироз кейинроқ ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлишди. Бироқ кеч, жуда ҳам кеч... Фирибгарлар дастлаб фактурасиз мол билан қўлга тушганида, М. Магдиев ташаббуси билан область прокуратураси бу фактни бир ярим йил «ўрганиб»ўз қарорини 9 марта ўзгартирди ва оқибат жиноят излари қолиб, баргларини қайчилаб қўяқолди. Полковник Х. Давировнинг тўйида универмаг директори Қ. Холиқов тўйбоши бўлиб турди. Эл кўзидаги бу ҳодисалар пул гадоларининг баттар шерланиб ва қутуриб кетишига, инсонликнинг ҳамма хусусиятларини тарк этишга олиб келмадимикин?

Шаҳар савдо бўлимининг ревизор инвентаризаторлари Қ. Холиқовдан беруҳсат қонуний ревизия бошлаганларида директор томонидан магазиндан қувиб чиқарилди. Бу ҳақда шаҳар савдо бўлимининг бош бухгалтери М. Юсупов ва планлаштириш бўлимининг бошлиғи О. Поступальскийлар ёзган докладнойлар қайси тортмаларда сичқонларга ем бўлиб кетди? Бу «сичқон»ларни балки ўртоқ Аминов билар! Шубҳасиз, улар ашаддий жиноятчининг ишончли ҳомийлари эди. Улар универмаг директорига паноҳ бўлдилар, уни турли «балоқаза»лардан асраш учун ҳар қачон ҳозиру-нозир турдилар. Айни пайтда бундан беш йил муқаддам дастлаб Гулистонга келганида ижара пулини ўйлаб, пешанаси тиришиб юрган «ёш савдогар»ни минг-минг пуллар билан ўйнашига, борса келмас кўчаларга йўллашга, одамларни оёқ учида кўрсатишга шерлантириб, қош қўяман деб, кўз чиқарган «меҳрибонлар» аслида шулар эмасми?

Область ва шаҳар савдо бўлимларидаги ўртоқлар магазиндаги ҳақиқий аҳволдан мутлақо бехабар бўлишлари мумкин эмасди. Чунончи, универмаг бош бухгалтери Сургаев ўз жонига қасд қилганда, иккита хат қолдирди. Биринчиси ўз оиласига васият бўлса, иккинчисида магазиндаги хатарли аҳвол ҳақида ёзиб, «бу ерда ортиқча ишлаш ва яшаш мумкин эмас» деганди. Бу хатнинг мазмунини бутун шаҳар эшитди-ю, лекин бу гаплар бевосита даҳлдор шахслардан ҳеч бирининг қулоғига «кирмади». Ваҳолонки, Сургаевнинг бу хати жиноятни ўша пайтдаёқ очиш, аниқлаш ва чек қўйиш учун милиция, прокуратура ва шаҳар ижроия комитети ҳамда савдо ташкилотлари раҳбарлари учун етарли асос, ишончли далил ва ўз пайтидаги туртки эди. Афсуски, кўпгина кишилар кўз ўнгидаги ҳийлагарни кўриб, кўрмасликка, ашаддий жиноятларни сезиб, сезмасликка олдилар. Бу «сеҳргар»ликнинг оқибатида томчидан бошланган жиноят фактлари дengизга айланди ва дуч келгани ўз комига тортаверди...

— ЎРНИНГИЗДАН ТУРИНГ, СУД КЕЛЯПТИ!

Айбдорлар Қ. Холиқов, А. Михайлова, Н. Чекалова, Э. Отабоев, Н. Корабоев, Ю. Пак, А. Усанова, А. Кучликовалар ўринларидан ўтиришади. Адолатли суд ҳукми ўқилади: пул гадолари шайкасининг бошлиғи Қаҳрамон Холиқов давлатга етказган 280.000 сўмлик камомадини ундириб олиш, молмулкларини мусодара қилиш шарти билан—15 йилга, Михайлова Чекалова ва Отабоевларнинг ҳар бири 10 йилга ва қолганлар ҳам узоқ муддатли оғир режимли қамоқ жазоларига ҳукм қилинди. Айни пайтда тергов процессида чап бериб қолган «Янгиерпромкомбинат» раҳбарлари Миколян ва Бувачидзе, «Узоптгалантерея» Тошкент шаҳар базасининг, область ва шаҳар савдо бўлимларининг нржўя хатти-ҳаракатли айрим ходимлари ва масъул кишиларга нисбатан жиноий иш қўзғатишга қарор қилинди. Залда суд ҳукмига олқиш ва жиноятчиларга нафрат сифатида қарсак янграйди. Ҳукм қилинганлар, билмайин босдим тиконни, тортадирман жабрини дегандек, бош эгишади. Лекин жуда кеч, афсуски мутлақо кеч!

Пул гадоларининг аянчли тарихига шу ерда нуқта қўйиш мумкин эди. Лекин уларнинг қочийлари «ҳеч қаерда имзо чекмаганлиги» ва «ҳеч ким кўзи билан кўриб, қўли билан тутмаганлиги»дан фойдаланиб ҳамон соф виждонли одамлар орасида нихобланиб юришибди. Аслида улар қалол йўл тутишлари мумкинмиди? Ахир улар оғир жиноятнинг олдини олишга қодир эдилар-ку. Бу уларнинг шарафли бурчи ва айни пайтда тўғридан-тўғри хизмат вазифалари эди-ку! Дарҳақиқат, жиноятчилар ва улар ҳомийларининг тақдири донишманднинг, пулга сажда қилганлар инсонликни тарк этади, деган оқил сўзларини эслатмайдими? Бу доно таъбирга нима ҳам қўшимча қилиш мумкин. Пул учун виждонини сотган, ориятидан кечган ва айни пайтда туман-туман пули ва бойлиги бўлса ҳам маънавий қашшоқ, қалби гадоларнинг қисмати бундан бошқача бўлиши мумкинми?! Қилмишқидирмиш деб шуни айтадиларда...

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири.

Янгибой Муҳамедович ДОСУМОВ

Таниқли олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор, Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, КПСС аъзоси Я. М. Досумов оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Я. М. Досумов 1905 йилда Қорақалпоғистон АССР Тўртқўл районининг Хўжаёр қишлоғида туғилди. Ўқишни тугатганидан сўнг, 1926—1930 йилларда комсомол ва совет ишларида раҳбар лавозимларида ишлади. 1940—1941 ҳамда 1945—1949 йилларда Қорақалпоғистон АССР Халқ комиссари ва маориф министри бўлиб ишлади. 1930 йилдан бошлаб илмий педагогик фаолият билан шуғулланди. Тўртқўл ўқитувчилар институтининг директори бўлди, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих, тил ва адабиёт институти Қорақалпоғистон филиалига раҳбарлик қилди.

Я. М. Досумов 1963 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг Н. Довқораев номидаги тарих, тил ва адабиёт институтининг совет даври тарихи секторига мудирлик қилди. У Қорақалпоғистон АССР тарихи бўйича қатор илмий монографиялар ёзди, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлади.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси Я. М. Досумов жамоат ишларида фаол қатнашди, бир неча бор Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитети ва Нукус шаҳар комитетининг аъзолигига сайланди, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг тўртинчи чақириқ депутати эди.

Я. М Досумов партия ва ҳукумат олдидаги катта хизматлари учун Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотланган эди.

Ажойиб олим ва инсон Я. М. Досумовнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГРУППА УРТОҚЛАРИ.

Редактор ўринбосари
Ж. ЖАББОРОВ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/VIII да **Имон**, 18/VIII да **Олтин девор**.

КИНО

17 АВГУСТДА

Иродали қиз — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Ўз хоҳиши билан — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (20.00, 22.00).

Бахтли кема командири — ҲАМЗА номли (17.00, 19.00, 21.00).

Жодугар — «МОСКВА» (10.00, 11.45, 18.30, 20.30).

Килиманжаро қорлари — «ВОСТОК» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.45).

Қора лола — «КОМСОМОЛ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Беҳуда шов-шув — «ЧАЙКА» (16.00, 18.00, 19.30).

АКАДЕМИК Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ БОГДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Марказий экспериментал базаси бўйича — мева-узум маҳсулотларини стандартлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш бўлимининг мудири, механизациялаш бўлимининг катта илмий ходими (фан кандидатлари);

Бўстонлиқ филиали бўйича — **ёнғоқ мевали ва богдорчилик бўлими мудири,**
агрохимия ва механизациялаш мутахассислиги бўйича катта илмий ходим;

Жанубий Узбекистон мевачилик-узумчилик станцияси бўйича — субтропик ўсимликлар бўлимининг бошлиғи (фан кандидати);

Қорақалпоғистон тажриба пункти бўйича — богдорчилик ва узумчилик бўйича катта ва кичик илмий ходим.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Орджоникидзе район, Михайловское посёлкаси.

ОҲАНГАРОН ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ **пул ўтказиш йўли билан асбест чиқиндилари, минерал пахта буюмлари, асбест қиринди-ларини**
СОТАДИ
Мурожаат учун адрес: 702431, Ўзбекистон ССР, Тошкент область, Оҳангарон шаҳри.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ноёб дори

Шу пайтларгача илон чаққанда қўлланилдиган анти-гюрза, анти-эфа, анти-кобра дорилари мавжуд эди. Илон чаққан кишини қутқариб қолиш учун даволашдан олдин врач беморни қайси илон чаққанини аниқлаши зарур бўларди. Шунга кўра мазнур дорилар қўлланиларди. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтида аҳолида заҳарли илонларнинг ҳар учала тури чаққан пайтда қўлланиш мумкин бўлган ноёб дори — заҳарга қарши поливалент зардоби яратилди. Штатсиз мухбиримиз институт директори, медицина фанлари доктори, профессор Абдураҳим Обидовдан шу дорини таъриф-лашни сўради.

— Бундан бир неча йил бурун, — деди профессор Обидов, — заҳарли илонларнинг айрим турлари чаққанида қўлланиладиган заҳарга қарши зардоблар яратилган эди. Лекин барча илонларнинг заҳрини қайтара оладиган ягона дори топиш жуда қийин бўлди. Бундай дорини тошкентлик олимлар — В. Федорук, Р. Жаваков, Ф. Тошмуҳамедов ўртоқлар топишга муваффақ бўлишди. Тажрибалар 1971 йилда бошланиб, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган лабораторияда ташкил этилди. Лозим бўлган дорини топиш учун ер шарининг турли географик зоналарида яшовчи илонларнинг заҳари ўрганиб чиқилди. Чунки улар таъсири жиҳатидан бир-биридан жиддий фарқ қилади. Дастлаб кўлвар илонларнинг заҳри отларда синаб кўрилди. Тажрибалар ижобий натижа бергач чарх ва кўзойнакли илонларнинг заҳри синаб кўрилди. Тажрибалар кутганимиздан ҳам яхши бўлиб чиқди.

Кўлвар, чарх ёки кўзойнакли илон чаққанида янги зардобнинг атиги бир озгинаси киши баданига юборилса ҳам яхши самара беради. Кичикина бир ампулада битта шифолаш дозаси бўлади. Бу дозани ҳар қандай шароитда, ҳатто яқин ўртада врач бўлмаганда ҳам қўлланиш мумкин. Кишн танасига бир доза зардоб юборилганидан сўнг орадан 2 минут ўтгач зардоб инсон организмига тарқалиб кетади ва илоннинг заҳрини кесади. Шундай қилиб, янги ноёб дори яратилди. Энди унн сақлаш шароитини ишлаб чиқиш ҳамда фойдаланиш муддатини узайтириш муаммосини ҳал қилиш керак. Умуман, ҳали қилинадиган ишлар кўп, лекин шу йилнинг декабрь ойидан бошлаб янги доричи саноат асосида ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

К. ҚОБУЛОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР
Эълонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
№ 193. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 03596.